



СИНОВЛИ ЙИЛНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қатор фармонларига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. 28 декабрь куни Қўсаройда мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари мукофотланганларни табриклаб, уларга ўзининг юксак эҳтиромини билдирди.

— Биз кейинги йилларда яхши анъанани йўлга қўйиб, юртдошларимизга мукофотларни байрам кунида топшириб келаётган эдик. Афсуски, бу йилги пандемия шароитида одамларимизнинг соғлигини асраш учун ушбу хайрли тadbирни биров кейинга суришга тўғри келди. Эзгуликнинг кечи йўқ, дейдилар. Насиб этган экан, мана бугун сизлар билан Янги йил байрами арафасида юзма-юз кўришиб, дийдорлашиб турибмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳаётда хурсандчилик билан турли синов ва қийинчиликлар ёнма-ён юради. Бу йил коронавирус пандемияси бутун инсоният бошига катта ташвишлар солди. Халқимиз бу касалликка қарши курашиш билан бирга бошқа синовларга ҳам дуч келди. Бухоро ва Сирдарё вилоятларида қутилмаган офатлар рўй берди.

— Эл-юртимиз бу муаммолар қаршисида саросимага тушиб қолгани йўқ. Аксинча, қийинчиликлар бизни янада бирлаштирди, бир-биримизга меҳримиз ортди. Мураккаб

вазиятга қарамасдан, кўпни кўрган, азму шижоатли халқимизнинг фидокорона меҳнати билан бу синовларни мардона енгиб ўтапмиз. Барака ҳамжиҳатликда, деган гап ҳаётимизда яна бир бор ўз тасдиғини топди. Пандемия ва глобал инқироз оқибатларини камайтириш бўйича кўраётган чора-тадбирларимиз ўз самарасини берапти, — деди Президент.

Аҳоли соғлигини асраш, иқтисодийetni ривожлантириш ва бунёдкорлик ишлари барпо этилмоқда. Биргина шу ойда Тўшкент металлургия заводи, янги метро йўналиши ишга туширилди. Жорий йилда пойтахтимизда Болалар миллий тиббиёт маркази, Ғалаба боғи, Адиблар хиббони бунёд этилди. Барча вилоят ва туманларда замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, янги-янги боғчалар, мактаблар, маданият ва санъат ҳамда спорт масканлари қад ростламоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка кенг йўл очилмоқда. Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси тобора обод бўлиб бормоқда. Миришкор деҳқон ва фермерларимиз пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирилди.

— Биз бугунги натижаларга эришиш учун пандемия шароитида — гоят мураккаб бир вазиятда иш олиб бордик, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бунинг учун 2-3 карра кўпроқ меҳнат қилишга, изланиш, янги имконият ва ресурсларни қидириб топилганга тўғри келди. Аввало, фидойи шифокорларимиз ўз жонини гаровга қўйиб, халқимиз соғлигини асраш учун беқиёс жасорат ва матонат кўрсатдилар. Бу борада Қўролли Қўчалар, Миллий гвардия, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мард ва жасур ходимларининг хизматларини алоҳида қадрлаймиз. Айни вақтда, бунёдкор қурувчилар, саховатли тadbиркорлар, маҳалла фаоллари, муҳтарам нурунийларимиз, навқирон ёшларимиз, илм-фан, маданият

ва спорт соҳаси вакиллари эл-юртимизга ҳақиқий таянч ва суянч бўлиб майдонга чиқдилар. Ҳар қандай синовни бирдамлик билан енгиб ўтадиган халқимиз мана шундай оғир кунларда қудратли кучга айланди. Фурсатдан фойдаланиб, сабр-матонатли, заҳматкаш, олижаноб ва фидойи халқимизга, унинг буюк қаҳрамонлиги учун яна бир бор бош эгиб, таъзим қиламан.

— Дунёда инсон ўзини қачон бахтли деб билади? Буюклик нимада? Элга ҳалол, пок меҳнат қилиб, натижаси мана шундай мукофот бўлганда. Бу ерда ўтирганлар бугунги куннинг қаҳрамонлари, мардона халқимизнинг буюк вакиллари, — дея таъкидлади Президент.

Тadbирда айтиб ўтилганидек, юртдошларимизнинг фидокорона хизматларини муносиб эътироф этиш мақсадида бу йил “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог” фахрий унвони, “Олий Даражали Дўстлик”, биринчи ва иккинчи даражали “Саломатлик” ҳамда “Фахрий мураббий” орденлари, “Соғлом турмуш” медали каби

янги давлат мукофотлари таъсис этилди.

Бундан ташқари, “Меҳр-саховат” кўрак нишони жорий қилиниб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшган қарийб 25 минг ватандошимиз ушбу мукофот билан тақдирланди.

Айни кунларда жойларда юзлаб ҳамюртларимизга ана шу фахрий унвон, орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

Давлатимиз раҳбари мукофотланган барча ватандошларимизга йиғилганлар номидан табрик йўллади.

Шундан сўнг мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Маълумки, Ўқитувчи ва мураббийлар байрами арафасида жадидчилик ҳаракати намояндалари — Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган эди.

Маросим аввалида ана шу мукофотлар маърифатпарвар боболаримизнинг невараларига топширилди. Бундай эҳтиром улуг аجدодларимизнинг ўлмас мероси бугунги кунда ҳам қадрли эканидан, халқимизга беқиёс маънавий куч бағишлаб келаётганидан далолат беради. Айни вақтда, эл-юртимизнинг миллий уйғониш ва тараққиётга интилиши барқарор эканини намён этади.

Шунингдек, тиббиёт, иқтисодиёт, фан, таълим, адабиёт ва бошқа соҳалар намояндалари, давлат ва жамоат ишлари фаолларига мукофотлар топширилди. Самарали фаолияти, ватанпарварлиги ва ташаббускорлиги билан ёшларга ибрат бўлаётгани учун Президент уларга миннатдорлик билдириб, эзгу тилакларини изҳор этди.

— Ҳаммамиз бугун яхши орзулар ва улуг мақсадлар билан, янги йил остонасида турибмиз. Биз барчамиз аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, халқимизга садоқат билан меҳнат қилиб, янги Ўзбекистон пойдеворини яратётганимиз билан фахрланамиз. Дунёимиз тинч бўлсин, бағрикенг ва олижаноб халқимизни, жонажон Ватанимизни Оллоҳ таоло ҳаммаша ўз панохида асрасин, — дея сўзини якунлади Президент.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

— Ҳозиргина тарихий воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бир гуруҳ маърифатпарвар аждодларимиз қатори атоқли мураббий, буюк инсон Мунавварқори Абдурашидхоновга берилган юксак мукофотни Президентимиздан қабул қилиб олдим, — дейди адибнинг невараси Шоазим Миноваров. — Ушбу орден жадидларнинг фидокорона меҳнатига берилган мукофотдир. Давлатимиз раҳбари агар жадид боболаримиз қатағонга учрамаганида ҳозир учинчи эмас, тўртинчи Ренессанс пойдеворини қураётган бўлардик, деб таъкидлади. Ҳақиқатан, уларнинг хизматларига бундан ортиқ баҳо бериб бўлмайди. Бу инсонлар том маънодаги зиёлилар эди. Илм, маърифатнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини англаган ҳолда, мамлакатимизда сўнгги тўрт йилда соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Албатта, ўтган аждодларимизни хотирлаш ҳам савоб, ҳам тарбиявий иш. Уларга муносиб бўлиш, ёшларимизни буюк

боболаримиздек фидойи инсонлар этиб тарбиялаш биз авлодларнинг зиммасидаги бурчдир.

— Янги Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган одамларни рози қилиш концепцияси ҳаётимиз мезонига айланди, — дейди Самарқанд давлат университети профессори, филология фанлари доктори, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Муслихиддин Мухиддинов. — Халқ билан мулоқот демократик жараёнларнинг ривожланиши, одамлар онгу шуурига ўрнашиши, жамиятнинг ҳаракатга келишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда Алишер Навоийнинг “Одами эрсанг демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами” байтидаги ғоялар ҳаётимизда устувор. Буюк шоир таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарор, Самарқанд давлат университети Миразо Улугбек олий мадрасасининг вориси, деб ҳисоблашга қаратилган саъй-ҳаракатлар барча зиёлилар қатори менинг кўксимда ҳам фахр-ифтихор ҳисларини жўш урдирди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари юрагимизда фахр-ифтихор уйғотади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими фахрий аъзоси, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Амин Тожиев. — Мўйноқ харитада деярли йўқолиш арафасига келиб қолган эди. Бугун туман бутунлай янги қиёфага кирди. Аэропорт тикланиб, “Боинг”, “Аэробус” русумли самолётлар кела бошлади. Оролнинг қуриган ҳудудида минглаб гектар дархатзорлар барпо этилди. Бу ишларда бутун Ўзбекистон аҳли қатнашди. Бошқача айтганда, Ажиниёз, Бердак боболаримиз, Ибройим Юсупов, Тўлепберган Қайиббергенов орзу қилган замон келди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қодир бўлган замонавий армияни ташкил этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Қўролли Қўчалари ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, I даражали “Шон-шараф” ордени соҳиби Ойбек Саидов. — Қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги оширилди, вилоят ҳокимликлари ҳузурида ҳарбий-маъмурий секторлар тузилди. Бу Ватан ҳимоячиларининг доимий шай ҳолатда туришида улкан аҳамият касб этапти. Бундай эътибор самарасида жорий йилда округимиздан 54 ҳарбий хизматчи халқаро турнирларда иштирок этиб, 30 нафари медалларга сазовор бўлди. Мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар белни маҳкам боғлаб, маррани баланд олишга ундаяпти. Уйлайманки, бугун мукофот олганлардан руҳланиб, ҳар бир соҳада фидойилик билан меҳнат қилиб, Ватанимизнинг обрўси ва шон-шухратини янада юксалтиришга аҳд қилганлар сафи янада кенгайди.

Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, меҳнат фахрийлари, зиёлилар, ёшлар иштирок этди.

ЎЗА

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

АҚШ элчиси Дэниэл Розенблум: Ўзбекистон Президентининг кенг қўламли ислохотлар дастури икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун ишончли замин яратмоқда

АҚШ элчиси Дэниэл Розенблум Янги йил арафасида “Дунё” ахборот агентлигига берган эксклюзив интервьюсида ўтаётган йилда икки томонлама муносабатлар қандай ривожлангани ва уларни янги босқичга олиб чиқиш истикболлари ҳақида сўзлаб берди.

— Ўтаётган йил бутун дунё учун инсоният ҳаётининг барча жабҳалари, жумладан, халқаро ҳамкорликка ҳам таъсир кўрсатган янги коронавирус пандемияси билан боғлиқ катта таҳдидлар йили бўлди. Ушбу мураккаб даврда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланишини қандай баҳолайсиз?

— Жорий йил ҳаммамиз учун қийин ва синовли кечди. Covid-19 қўллаб яқин ин-



сонларимиздан айирди ва катта иқтисодий мураккабликларни келтириб чиқарди. Бироқ умумий қийинчиликлар одатда дўстларни янада яқинлаштириши мумкин.



Давоми 2-бетда

Ифтихор

ОБОД ГЎШАЛАР ҚАЛБИМИЗГА СУРУР БАҒИШЛАДИ

Ишга бориб қайтаётганимда деярли ҳар куни Тошкент ер усти метросининг Сергели йўналиши қурувчиларига кўзим тушарди. Баҳор ва кузнинг ўзгарувчан об-ҳавосида ҳам, саратоннинг жазирасида ҳам, кишининг изғиринида ҳам улар тинимсиз меҳнат қиларди. Мана шундай улкан шижоат эвазига қилган йўналишнинг очилиши пойтахтликлар ва унга туташ ҳудудлар аҳолиси ҳаётида катта енгиллик ясади. Биргина менинг кичик оилам мисолида ҳам бу бахтиёрлик ифодаси ўз аксини топди.



3-бетга қаранг

ХАЛҚҚА ҲАЛОЛ ХИЗМАТ ҚИЛИШ — УЛУҒ МУКОФОТ

Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Жорий йил 28 декабрь куни Кўксаройда мукофотларни топшириш маросими бўлди. Ушбу тантанали маросимда иштирок этган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, зиёлилар, ёшлар ўз дил изҳорларини билдирдилар.

ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНДИ



Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ, Самарқанд давлат университети профессори, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби

Янги Ўзбекистонимизнинг миллий юксалиш даврида Президентимиз томонидан жорий этилган одамларни рози қилиш концепцияси ҳаётимиз мезонига айланди.

Бундай демократик жараёнларнинг ривожланиши, одамлар онгу шуурига ўрнашиши, қисқа қилиб айтганда, бутун жамиятнинг ҳаракатга келишига давлатимиз раҳбарининг даъватлари, халқ билан мулоқотлари, оддий одамларни тинглашлари сабаб бўлди.

Бугунги кунда ҳазрат Алишер Навоийнинг:

Одамий эрсанг, демагил одами, Ончику йўқ халқ ғамидин ғами.

байтидаги ғоялар ҳаётимизда ус-

тувор бўлди.

Президентимизнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори, Самарқанд давлат университетини бундан 600 йил олдин қурилиб, иш бошлаган Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг вориси деб ҳисоблашга қаратилган сай-ҳаракатлар, барча зиёлиларимиз қатори менинг кўнглимда ҳам фахр-ифтихор ҳиссини жўш удрирмоқда.

Улуғ бобомиз Алишер Навоий Самарқандга таҳсил олиш учун келганида Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг бosh мударриси Мирсаид Шариф Журжонийнинг бевосита шогирди бўлган, фикҳда Имом Аъзам издоши, араб тили грамматикаси бўйича Ибн Ҳажибга тенг, шеърятга ошно, ўша даврнинг “Аълумул уламоси” (Олимлар олими) Абулайс Фазлуллоҳ Самарқандийга фарзанд мақомида бўлиб, ундан таълим олган.

Бугун илм-фан, таълимга эътибор кучайди. Аввало, илм ахли, муаллимлар улуғланмоқда. Илмий мактаблар тикланмоқда. Кейинги тўрт йил давомида илмдан кетиш эмас, илмга қайтиш бошланди. Илм ахлида ишонч,

хотиржамлик пайдо бўлди. Изланишлар ва янгиланишлар даврига юз тутдик. Халқимиз Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш сари қадам ташлади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ургутнинг Чорчинор зиёратгоҳида азияларимиз, ота-боболаримиз хотирасини абадийлаштириш, меросини ўрганиш бўйича амалга оширилган эзгу ишлар ташаббускорни бўлган давлатимиз раҳбаридан миннатдор эканимизни айтишни бурчим деб биламан.

Менга берилган юксак давлат мукофоти — “Эл-юрт хурмати” ордени ҳам амалда мамлакатимиздаги илм-фан ва таълим ахлига, қолаверса, бутун Самарқандга, хусусан, Самарқанд давлат университети олимлари билдирилган ишонч бўлиб, ҳар биримизга катта масъулият юқлайди ва бизни шу йўлда бор куч-қувватимиз, ақл-заковатимизни янада кўпроқ ишга солишга ундайди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий улуғ “Хамса”сида: *Навосиз улусинча навобахши бўл!* деган шioriни ўртага ташлаган.

Навосиз эл-улуснинг навобахши бўлиш бугун давлатимиз раҳбари юритаётган одилона давлат сиёсатининг ўзак масаласига айланган. Бунга халқимиз ҳам, бутун дунё ахли ҳам қўриб, билиб, ҳис этиб турибди.

ИЗЛАНИШЛАР — РАВНАҚ ЧАШМАСИДИР



Раҳмат ИНЪОМОВ, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими, “Дўстлик” ордени соҳиби

Модернизация — жонбахш фаолият. Унинг негизи янгиланиш, ўзгариш томирларида тутади. Агар у инновацион изланишлар чашмасидан сув ичса, ривожланиш кўламлари янада барқ уриб бораверади. Бу фикрга оид мисолларни “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг модернизация ва техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларидан келтирадиган бўлсам, сўнгги йилларда корхонада амалга оширилган 114 миллиард сўмлик 44 та лойиҳа доирасида цехлардаги айланма печларнинг бошқарув тизимларини

автоматлаштириш, Германиянинг “Сименс” фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган замонавий назорат-ўлчов асбобларини ўрнатиш ва ишга тушириш туфайли ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда маҳсулотлар сифатини оширишга эришилди.

Комбинатимиз мамлакатимиздаги энг йирик металлургия корхоналаридан бири. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йили 18 август куни акциядорлик жамиятимизда бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати ва молиявий-иқтисодий ҳолатини тубдан яхшилаш чора-тадбирларини белгилаб бергандан кейин фаолиятимизда босқичма-босқич ўзгаришлар рўй бермоқда.

Мақкур таширфдан кейин орадан бир йил ўтиб, комбинатдаги кўплаб инвестиция лойиҳаларидан бири — феррокотишмалар ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш маросими бўлди. Президентимиз лойиҳа қиймати 60 миллион доллар бўлган, замонавий, энергия тежовчи ва илгор технологиялар билан жиҳозланган янги феррокотишмалар цехини тантанали равишда ишга туширди. Ушбу янги цех Жанубий Кореянинг “Posco Daewoo” компанияси иштирокида қурилди, натижада металл маҳсулотлар тайёрлайдиган тармоқлар талабини тўлиқ қондириш билан бирга, 8 минг тонна феррокотишмани экспорт қилиш, импортни қисқартириш имконияти яратилди.

Умуман олганда, 2017-2020 йиллар давомида 521 миллион АҚШ доллари миқдориди 921 минг тонна маҳсулот экспорт қилинди. Бу борадаги кўрсаткич 2020 йилда ҳам кам бўлмаслиги кутиляпти.

Ана шундай ўзгаришлар, замонавий технологиялари чукр ўзлаштирган

ёшларнинг сафимизга келиб қўшилаётгани корхонамиз истиқболини белгиламоқда. Ўзим ҳам корхонада янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш борасидаги тақлифларим билан ҳисса қўшишга ҳаракат қилиб келяпман. Агар кейинги пайтда 2-навли прокат цехида эллика яқин турдаги маҳсулот ўзлаштирилган бўлса, уларнинг 38 тасида бевосита иштирок этганимдан, 72 фоизи лойиҳаларим асосида йўлга қўйилгандан мамнунман. Шу билан бирга, муҳандислик тақлифларим мамлакатимиз саноати корхоналари учун диаметри 68, 100, 102 миллиметр бўлган янги турдаги пўлат золдирлар ҳамда 8 дан ун тўрт миллиметр гача бўлган бурчакли ва квадрат шаклидаги прокат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда асқатмоқда.

Соҳадаги 32 йиллик меҳнат фаолиятим ва изланишларим самараси давлатимиз раҳбарининг фармонию биноан, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими” унвонига лойиқ қўрилдим ҳамда янги йил арафасида тантанали равишда топширилиши ҳаётимдаги энг ёрқин воқеалардан бири бўлди. Демак, юртимизда сидқидилдан қилинган меҳнат, ўқиб, изланишлар, албатта, эътибор ва эъзоз топади.

Олдимизда масъулиятли ва залворли вазифалар турибди. Ўз касбининг моҳир устаси бўлган ҳамкасбларим, мураккаб техника воситаларидан самарали фойдаланишга иштиёқманд шогирдларимиз билан уларни ҳам ўз вақтида бажариш, янги турдаги маҳсулот турларини ўзлаштириш, корхонамизнинг экспорт салоҳиятини ошириш бундан бўён ҳам асосий вазифамиз бўлиб қолади.

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

Маъмуржон ТОШМАТОВ, Ўзбекистон давлат филармонияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги эстрада-симфоник оркестри бадий раҳбари, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби



Бугун топширилган “Меҳнат шухрати” — менинг биринчи орденим. Бунга фақатгина қилган ишларим мукофоти, деб ҳисобламайман. Балки бу эътироф келажакда бажаришим керак бўлган ишларга ҳам руҳлантирадиган, таянч бўлади. Айниқса, ўзбек миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, уни жаҳонга танитиш ва кенг тарғиб этиш борасидаги сай-ҳаракатларимиз кўламини ошириш борасида. Гарчи нафақа ёшида бўлсам-да, шижоатим, гайратим ҳали етарли.

Асосий вазифам оркестр раҳбарлиги. Шунингдек, жорий ўқув йилидан консерваториянинг эстрада факультетида вокал бўйича дарс ҳам берапман. Бундан ташқари, сеvimли хонандамиз Насиба Абдуллаева билан кириш имтиҳонлари жараёнларида ҳам қатнашдик. 180 нафар абитуриентдан 20 нафар энг сара, иқтидорли ёшларни

танлаб олдик. Умид қиламанки, уларнинг ҳаммаси умидли шогирдларимиз бўлади. Зеро, республика ва чет элларда ҳам ўз мухлисларига эга бўлган Севара Назархон, Лариса Москалёва каби санъаткорларга устозлик қилганим, кўплаб ёшларимизнинг ютуқларига ҳисса қўшаётганимдан гоят бахтиёрман. Ягона мақсадим — бор тажрибамни ана шундай иқтидорли ёшларга улаштириш, уларнинг эл суяган санъаткор бўлиб етишишларига эришиш.

Оркестрга келадиган бўлсам, мана, 6-7 йилдан буён ЮНЕСКО билан Ўзбекистонда халқаро жаз фестивалини ўтказиб келяпмиз. Фестивалнинг ташаббускори ҳам, асосий иштирокчилари ҳам бизнинг 35 кишилик жамоа. Бундан ташқари, юртимизда ташкиллаштирилган илмий маданий тадбирларда фаол қатнашяпмиз. 2016 йил Шанхай хамкорлик

ташкilotига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Тошкент саммити қабул маросимларида иштирок этдик.

АҚШ, Туркия, Франция, Италия, Польша, Дания, Австрия сингари давлатларда бўлиб ўтган концертларда ҳам хорижлик мутахассис ва мухлислар ҳурматини қозондик. 2011 йилда Москвада “Ўзбекистон маданияти кунлари” тадбирларида қатнашган бўлсам, 2019 йилда “Олтин куз” халқаро фестивали доирасида республикамизнинг қатор вилоятларида концерт дастурларимизни ташкил этдик.

Айтмоқчиманки, эндиликда бу каби кенг кўламли ишларнинг ҳам янги босқичига қадам қўямиз. Насиб қилса, пандемиядан сўнг бутун шижоатим, бор кучимни мамлакатимиз санъати нуфузини янада юқори кўтаришга, шу орқали ёшларимизда профессионалликка интилишни қучайтиришга сарфлайман. Бунга давлатимиз раҳбари томонидан санъат ва маданиятга берилган юксак эътибор, узоқни кўзлаб қабул қилинаётган қарор ва фармонлар катта имконият беради.

РАҒБАТ ФИДОЙИЛИККА УНДАЙДИ

Маҳмуд ИСТАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси ўринбосари, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби



Мукофот олиш — ҳамиша қувончли. Мукофотга мустақил мамлакатимиз Президентининг фармонию биноан лозим қўрилган бўлсангиз, бунинг қувончи, фахр-у ифтихори,

баракаси бир умрга татиғулидир. Ўзингизда аввалгидан ҳам кўпроқ, гайратлироқ ва шажамроқ меҳнат қилишга, ўқиб-ўрганишга, салоҳиятингизни муттасил ошириб боришга катта рағбат сезасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонию мувофиқ “Содиқ хизматлари учун” медалига мушарраф бўлганимда, ҳаётимдан шундай қувончли фикрлар ўтди.

Давлатимизнинг бу юксак мукофотини Янги Ўзбекистонимизнинг миллий сайлов тизимида амалга оширилаётган изчил ишларнинг самараларига, устоз-ҳамкасбларимиз ва бутун мамлакатимиздаги юз минглаб сайлов ташкилотчиларининг фаолиятига берилган юксак баҳо, алоҳида эътироф, рағбат деб биламан.

Айни пайтда, юртимизда барча

соҳаларда, жумладан, сайлов тизимида ҳам, эришилаётган муваффақиятларнинг замирида очиқлик ва ошқораликни амалда қарор топтиришга қаратилган халқпарвар сиёсатнинг самараси мужассамдир.

Ўзоқни кўзлаб юритилаётган ана шу сиёсатнинг шарофати билан бугун инсон қадр топмоқда, Ўзбекистонимизнинг халқаро нуфузи тобора юксалмоқда. Янги жамият, ҳаётимиздаги янгиланиш жараёнлари, олиб борилаётган ислохотларнинг тақдир ва келажак, энг аввало, фуқароларнинг бу ўзгаришларни кўлаб-қувватлашига ҳамда уларнинг онгу тафаккурининг юксалишига болдикдор.

Шу бос, кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик, яратилаётган кенг шароит ва улкан имкониятларнинг қадрига етиш, изчил ишларнинг қадри фаол иштирокчиси бўлиб, Ватанимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўлиш, фидойилик кўрсатиб яшаш — барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

АҚШ элчиси Дэниэл Розенблум:

Ўзбекистон Президентининг кенг қўламли ислохотлар дастури икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун ишончли замин яратмоқда

Бошланиши 1-бетда

АҚШ ва Ўзбекистон муносабатларида ҳам шундай бўлди. Пандемия таҳдидига қарамай, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама алоқалар ривожланишда давом этди.

АҚШ давлат котиби Майк Помпеонинг Тошкентга таширфи энг ёрқин воқеалардан бири бўлди. Утган ой ҳукуматларимиз анъанавий йиллик икки томонлама маслаҳатлашувлар мақомини стратегик шериклик бўйича мулоқот даражасига кўтарди. Бу ўзаро ишончининг ўсиб бораётгани, Марказий Осиёнинг барқарор ва фаровон ривожланишидан манфаатдорлигимиз кенгайганини ифодаляди.

Пандемияга қарамай, 2020 йилда ҳам Президент Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда амалга ошираётган улкан ва кенг қамровли ислохотларини кўлаб-қувватлашнинг муҳим йўналишларини излаб топишда давом этдик. Бунга мисоллар шунчалик кўпки, уларнинг ҳаммасини бу ерда эслаб ўтишнинг иложи йўқ. Бироқ агар кимдир бу ҳақда кўпроқ билиш истагиди бўлса, АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси веб-саҳифасига мурожаат қилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, пандемияга жавобан Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини қўла-

— Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар нафақат икки томонлама асосда, балки турли халқаро майдончалар, хусусан, C5+1 форматидида ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорликнинг ушбу шакли истиқболлари ҳақида нима дея олмасиз ва АҚШнинг Марказий Осиё минтақаси билан алоқаларни ривожлантиришдаги устувор йўналишлари нималардан иборат?

— C5+1 Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик трансчегаравий ва халқаро масала экани, хавфсизлик муаммоларини биргаликда ҳал қилиш орқали биз ўз мамлакатларимиз ва халқларимизни янада барқарор ва хавфсиз қилиш имкониятига

эга бўлишимизни кўрсатди.

Марказий Осиё давлатлари C5+1 форматини биргаликдаги сай-ҳаракатлар учун фойдали форум деб қабул қилгани, мамлакатлар савдо-сотиқ ва терроризмга қарши курашиш каби масалаларда минтақавий ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш учун бирлашаётганидан мамнунмиз.

2020 йил C5+1 доирасида USAID бошчилигидаги лойиҳаларни кенгайтирдик. Уларнинг рўйхатига Марказий Осиё минтақавий электр энергияси бозори масаласи ҳам киритилди. Бу энергетика хавфсизлигини оширишга қаратилган бўлиб, мақкур соҳага инвестициялар жалб этишга хизмат қилади.

Биз C5+1 доирасида иқтисодий алоқалар ва савдо-сотиқни кенгайтириш, экологик муаммоларни юмшатиш ва таҳдидларга биргаликда қарши туриш бўйича умумий мақсадларимизга хизмат қиладиган қўшма лойиҳаларни бажаришда эришилган натижалардан фойдаланамиз.

— Ўзбекистон Афғонистонда қатор инфратўлиқвий лойиҳаларни амалга ошириб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига ҳисса қўшмоқда, аҳолини ижтимоий

қўлаб-қувватламоқда. Жорий йил АҚШ — Ўзбекистон — Афғонистон формати ҳам шакллантирилди. АҚШ ушбу ҳамкорликнинг иқтисодий таркибий қисми ва Ўзбекистон ташаббуси билан амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳаларни қандай қўлаб-қувватлаши мумкин?

— Терроризм каби минтақавий таҳдидга қарши курашиш ва Афғонистонда барқарорликни мустаҳкамлашдан умумий манфаатдормиз. Ўтаётган йил давомида Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва иқтисодий фаровонлиқни таъминлаш масаласида бизнинг энг яқин ва энг қимматли шерикларимиздан бирига айланди.

Марказий Осиё томонидан Афғонистондаги тинчлик жараёни қўлаб-қувватланаётгани тинчликка эришишда муҳим омил бўлиб, биз бу борада Ўзбекистоннинг етакчи ролини юқори баҳолаймиз. Афғонистон бўйича махсус вакил афғон халқи ва афғон ҳукумати билан мувофиқлаштирилган тарзда барча манфаатдор томонлар билан мулоқот олиб бормоқда. Бу сай-ҳаракатлар мамлакатда урушни тўхтатиш ва Афғонистон заминини яна терроризм учун

платформа сифатида ишлатмаслик бўйича афғонлараро музокараларга кўмак беришга қаратилган.

Афғонистондаги моҳоронинг тугаши билан янги бозорларга чиқиш самарасида Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги савдо-сотиқ ва минтақавий алоқаларнинг кучайиши барчага иқтисодий фойда келтиради. АҚШ, Ўзбекистон томонидан Афғонистон Марказий Осиё бозорларига жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган сай-ҳаракатлардан руҳланмоқда. Биз мамлакатнинг турли лойиҳаларини икки томонлама асосда ва халқаро молия институтлари орқали қўлаб-қувватлаш йўлларини ўрганиямиз.

— АҚШ раҳбарлигига янги маъмурият келиши муносабатидан билан Марказий Осиё билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида нима дея олмасиз?

— Мен АҚШнинг Ўзбекистонга нисбатан сиёсатида кескин ўзгариш бўлади, — деб ўйламайман. Сўнгги 23 йил давомида тўртта президент раҳбарлигидаги тўртта маъмурият даврида, икки марта демократлар ва икки мар-

та республикачилар билан фаолият юритдим. Ушбу жараёнда мени ҳайратга солган нарсаси маъмуриятдаги ўзгаришлар эмас, балки сиёсатнинг давомийлиги бўлди. АҚШнинг Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё минтақасига нисбатан сиёсатининг асосий тамойили ўзгаришсиз қолади: биз минтақадан барқарорлик ҳукм суришини, мамлакатларга ўз суверенитети, мустақиллиги ва худудий яхлитлигини сақлашда ёрдам беришни хоҳлаймиз.

Биз барқарорлик ва суверенитетни сақлашнинг энг яхши усули — бу хавфсизлик масалаларида ҳамкорлик қилиш йўлларини топиш, савдо-сотиқ ва сармоялар кенгайишига кўмаклашиш, иқтисодий ва модернизация қилиш ҳамда очиқлигини таъминлаш бўйича ислохотлар ўтказиш, мамлакатларга инсон ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган ва фуқаролар эҳтиёжларига муносиб жавоб берадиган масъулиятли бошқарув тизимларини яратишда ёрдам бериш деб ҳисоблаймиз. Президент Шавкат Мирзиёевнинг кенг қўламли ислохотлар дастури АҚШнинг ҳар қандай маъмурияти учун, ҳоҳ демократлар, ҳоҳ республикачилар бўлсин, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун ишончли замин яратмоқда.

Суҳбатимиз якунида АҚШ халқи ва Ўзбекистон элчихонасидаги ҳамкасбларим номидан Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги йил билан самимий кутлайман. Барчага ва уларнинг оилаларига сийҳат-саломатлик, тинчлик, фаровонлик ва бахт тилайман.

Нагис САИДАЛИЕВА суҳбатлашди.
“Дунё” АА



ОБОД ҒЎШАЛАР ҚАЛБИМИЗГА СУРУР БАҒИШЛАДИ

Шоқаҳхор САЛИМОВ, журналист

Бундан ўттиз йиллар олдин Амир Темур хиёбонидан Сергели туманига эскирган сариқ автобусда бир амаллаб, манзилимизга чарчаб-ҳориб етиб олардик. Кейинроқ, 90-йилларнинг охирларида “Мерседес-Бенц” русумли автобуслар келиб мушкулимизни бироз осон қилгандай туюлди.

Сўнгги йилларда бу йўналишдаги узун ва адоқсиз тирбандлик ҳам деярли ўрганиб қолдик. Сергели ғўё пойтахтимизнинг иккинчи даражали худудига ўхшаб қолган эди. Болаларимизнинг дам олишлари учун ҳатто дурустроқ боғимиз ҳам бўлмаган...

Охириги уч-тўрт йил ичида Сергели тубдан ўзгарди. Мавзеимизнинг ёнида янги, бир-биридан ғўзал 450 дан ортиқ кўп қаватли иморатлар, мактаб, савдо масканлари, мактабгача таълим муассасалари қад ростлади, йўлларимиз равон, маҳаллаларимиз чарогон бўлди. Поёнига етаётган йилнинг май ойида эса майдони 10 гектарни ташкил этган, фавворалару гул-

зорлардан иборат бўлган Flowers Garden Park экомажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу боғни кўриш учун нафақат шаҳар аҳолиси, балки республикаимизнинг турли ғўшаларидан юртдошларимиз келадиган бўлди. Туманимизда кетма-кет янги объектлар, ишоналлар, дам олиш масканлари фойдаланишга топширилди. Сергели қиёфаси бутунлай ўзгара бошлади, бир пайтлар узоқ ва қолоқ деб ном олган бу ер кўркам, ғавжум, дилтортар масканга айланди.

Аммо энг асосий воқеа нафақат Сергели ёки Янги ҳаёт тумани аҳолиси, балки бутун пойтахт аҳли учун 2020 йилнинг 26 декабрь куни юз берди. Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилда лойиҳалаштириш ишлари бошланган Сергели ер усти метро йўналиши бевосита у кишининг иштирокида фойдаланишга топширилди. Энди нафақат мен, балки минглаб сергелиликлар учун шаҳар маркази “бир қадам” бўлиб қолди. Шахсан ўзим кунига 2,5-3 соат вақтимни йўлда, бир автобусдан бошқасига ўтишга, тирбандликларда, автомобилларнинг тўхтовсиз сигналларию атмосферага чиқаётган қалин тўтунлари остида ўтказар эдим. Энди-чи?

... Метронинг янги йўналиши ишга тушган, дарҳол унинг 4-бе-

катига бордим. Бекат бежирим, ғўзал, ҳам миллий, ҳам замонавий услубда бўнёд этилган, барча қўлайликларга эга. Ишхонам яқинида жойлашган Мустақиллик бекатигача 24 дақиқада етиб келдим. Автобусда қарийб бир ярим соат вақтим кетарди. Буни ҳар куни йўл азобини тортиб, ишга келиб кетган одам чуқур ҳис қилади. Қайтаётганда яна бир ҳолатни кузатдим. Илгари метронинг Чилонзор бекатига келганда йўловчиларнинг катта қисми Сергели йўналиши бўйича қатнайдиغان автобуслар томон шошиб, югуриб чиқарди. Энди улар вагонларда қолди. “Олмазор” бекатидан сўнг ҳам йўловчилар кўпчиликини ташкил қиларди. Яқин бир-икки йилда бўнёд этилган иморатларга пастдан қараш бошқача, тепадан, Сергели ер усти метро вагонларидан боқиб ўзгача экан: обод ғўшалар кўз олдингизда бор бўли билан намён бўлади. Хаёлимдан “Бизнинг Сергели ҳам марказий туманга айланибди”, деган уй ўтди.

— Юнусободдаги ишхонамга бориш учун ҳар куни икки соат вақт сарфлардим, “пробка” асабимни эзиб ташларди, — дейди ёнида ўтирган киши. — Худого шукр, эртадан бошлаб йўлга хотиржам чиқаман.

Йўловчилар руҳияти ва ҳеҳрасидаги қувонч инсон кайфиятини кўтарди. Уша куни деярли ҳаммада ана шундай ҳеҳраларни кўрдим. Қалбим ғурурга, сурурга ўтди.

Маълумотларга қараганда, айна пайтда бу йўналишда 214 нафар ходим хизмат қилмоқда, яъни шунча одам иш билан таъминланди, оиласи дастурхонига кут-барака, файз кирди. Бугун дунёни тинчтини бузган коронавирус пандемияси шароитида бундай ўзгаришлар, бўнёдкорлик ишлари чинакам мўъжиза, улкан воқеа. Соҳибқирон Амир Темур “Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг” деганларида эҳтимол бугунги манзараларимизни, улкан ишларимизни башорат қилган бўлса, ажаб эмас.

Холмурод САЛИМОВ, журналист

Кичик ўғлим ҳафтанинг уч кунда 19:00 дан 21:00 гача пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги ўқув марказида ахборот технологиялари бўйича машғулотларга қатнаётгани туфайли уйга ярим тунда қайтади. Тўғриси, ундан жуда хавотир олардик. Аксига олиб, ўқиш вақтини эртароққа ўтказишнинг ҳам ҳозирча иложи йўқ.

Тарихий сана — шу йилнинг 26 декабрь куни у одатдагидан анча — бир ярим соат чамаси барвақт уйга кириб келди. Бундан ҳайрон қолган онаси: “Нега бугун эрта келдинг, дарс бўлмади?” деб сўради. Кайфияти кўтаринкилиги шундоқ юз-қўздан кўриниб турган ўғлим онасига яқинда ишга туширилган Сергели метросининг ilk йўловчиларидан бири бўлганини, метрода, унинг янги бекатларида хизматчи ва йўловчилар учун яратилган шарт-шароит ва қўлайликлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Унинг хурсандлигига шерик бўлган турмуш ўртоғим телевизор орқали янги метро йўналиши ҳақида эфирга узатилган лавҳадан олган таассуротини сўзлаб беради.

Ширин ўйга чўмаман, бу ердаги беш йилча олдинги манзара кўз олдимда намён бўлади: кенг дала... Рости, ўша пайтлари Сергелида шунча кўп қаватли уй қурилади, бу ерга метро келади, деса ҳеч ким ишонмасди. Президентимизнинг ташаббуси билан бу ишларга кўп урилди ва ўтган қисқа вақт мобайнида, пандемия шароитига қарамай, қурилиш билан боғлиқ жуда катта ҳажмда иш бажарилди. Минглаб оилалар уй-жойли, ишли бўлди. Кўплаб иншоотлар буй чўзди. Бугун биз фойдаланаётган метронинг Сергели йўналиши ишга тушди. Энди ўзингиз айтинг, бу каби эзгу ишларга бош-қош бўлаётганларга раҳмат айтмай, бу кунларга етказганига шукрона келтирмай, булардан қувонмай, фахрланмай бўладими?!

Чалғимайин, кичик ўғлим Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейда, акиси эса Сингапур менежментни ривожлантириш институтида

таълим опади. Зангиота туманининг Сергели маҳаллаларига чегарадош “Чорбоғ” маҳалласида қурилган намунавий уйларида яшаймиз. Бу ерга кўчиб келганимизга ҳадемай беш йил бўлади. Фарзандларим шаҳар марказидаги илм даргоҳларида билим олаётгани учун бу ердан ўқишга қатнашга қийналарди. Лицей ва институтга учта транспорт алманиб боришга мажбур бўларди. Ярим соатлаб тирбандликда туриш катталар сингари шу йигитчаларни ҳам асабийлаштирганидан, бу ҳолат сабаб ўқишдан кеч қолган пайтлари бўлганидан, бунинг учун устозларидан бир неча бор танбех эшитганидан хабардорман. Янги метро линиясининг фойдаланишга топширилгани биз каби қанчадан-қанча юртдошларимизнинг вақт, маблаг билан боғлиқ муаммоларини ечиш, уларга катта қўлайлик яратиш имконини бергани билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Нимадандир хурсанд бўлсам, баъзан бу ҳақда ким биландир гаплашгим келади. Қишлоққа — онамга кўнграқ қилдим. Янгиликдан жуда хурсанд бўлдилар. Худо хоҳласа, Тошкентга борганимда мени янги метрога миндирасан, дея яхши ният қилдилар. Телефон орқали мулоқотимиз давом этар экан, онам қишлоғимизда одамларни рози қилиш,

аҳолига қўлайлик яратиш учун бажарилаётган ишлар ҳақида ҳам гапирдилар. Сухбатимиз якунида узундан-узун дуо қилиб, юртимизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, халқимизга фаровонлик тиладилар.

Яқшанба куни катта ўғлим газетада давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқини қайта-қайта ўқиб чиқганини, Президентимиз ўз нутқида келгуси ўқув йилидан бошлаб, республикаимиздаги хорижий олий таълим муассасаларининг бакалаврият босқичи талабалари учун ҳам Президент ва бошқа номдор стипендиялар жорий этилишини маълум қилгани ўзи каби йигит-қизлар учун катта эътибор, имтиёз ва имконият эканини, бу минглаб ёшларга мотивация берганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлигидан баҳрамандлик умиди ўғлимга қандайдир куч, ўзига ишонч берганини унинг кўзлари айтиб турарди.

Яқинларинг, қўни-қўшиларинг, юртдошларингни ҳаётдан бу каби рози бўлиб, завқ олиб яшаётганига гувоҳ бўлишнинг ўзи катта бахт аслида. Бу одамларни элу юртимиз тараққиётга, тинчлиги таъминланишига муносиб ҳисса қўшишга, янада фаол бўлишга ундаб, куч-ғайрат ва кўтаринки кайфият бахш этади.



Охириги уч-тўрт йил ичида Сергели тубдан ўзгарди. Мавзеимизнинг ёнида янги, бир-биридан ғўзал 450 дан ортиқ кўп қаватли иморатлар, мактаб, савдо масканлари, мактабгача таълим муассасалари қад ростлади, йўлларимиз равон, маҳаллаларимиз чарогон бўлди.

Акс-садо

НАТИЖАЛАР САРҲИСОБИ КЕЛГУСИДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРГА ИЛҶОМЛАНТИРМОҚДА



Фарҳод ЭШОНҚУЛОВ, “Тараққиёт стратегияси” маркази лойиҳа раҳбари

Президентимизнинг Конституцияимизнинг 28 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригини катта қизиқиш билан ўқидик. Мазкур табрик сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги кенг миқёсли ислохотларга алоҳида тўхталиб ўтилгани, қолаверса, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишларга ҳам урғу берилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Бугун юртимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Мамлакатда ҳар жаҳбада юз бераётган ўзгаришларни дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этяпти. Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Президентимиз табриқда айтиб ўтганидек, “Конституцияимизнинг қойида ва тамоийилларида келиб чиқиб, биз бундан тўрт йил олдин Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ҳамда кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотларни бошладик”.

Дарҳақиқат, аввало, Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар, қолаверса, Ҳаракатлар стратегияси ҳамда унинг асосида ҳар йили қабул қилинаётган давлат дастури бугун дунёда янги Ўзбекистон дея эътироф этилаётган мамлакатимизнинг барча соҳалардаги янгилаш ва ўзгаришларига муҳим пойдевор вазифасини бажармоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида тўхталиб ўтганидек, 2020 йил бутун дунё, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам синовли йил бўлди. Коронавирус пандемияси етмагандек, Бухорода юз берган табиий, Сирдарёда содир бўлган техноген офатлар халқимиз матонатини синовдан ўтказди, иродасини тоблади. Ана шу синовли давр “**Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир**” деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган, Конституция ва қонун устун бўлган самарали ва барқарор тизим шаклланаётганини намён этди. Буни нима-ларда кўрдик?

Буни, аввало, Президентимиз бошчилигида давлатимизнинг пандемия оқибатларини бартараф этиш борасида олиб борган кенг миқёсли ишларида, мана шу мақсадлар учун ажратилган катта маблағлар, қурилган шиғохоналар, коронавирусга чалинган фуқароларни даволаш бўйича юқори кўрсаткичлар қайд этилганда, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилганда, ишсиз қолган фуқароларга қўмак беришда, тadbirkorларга берилган имтиёзлар мисолида кўриб, гувоҳи бўлдик.

Шунингдек, Бухорода табиий офатдан зарар кўрган фуқароларимизнинг уйлари тўлиқ таъмирлаб берилгани, Сардобада юз берган сув тошқинидан зарар кўрган, бошланасиз қолган фуқароларимиз учун қуриб берилган, замонавий талабларга жавоб берадиган кўп қаватли уйлар мисолида давлатимизнинг халқнинг ҳаёти ва тақдирига бефарқ эмаслигига яна бир қарра шохид бўляпти.

Президентимиз табригидаги “**Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади**”, деган ғоя ҳамда Учинчи Ренессанс ҳақидаги фикрлар айрим мулоҳазаларни баён қилишга ундамоқда.

Буюк аждодларимиз, бобокалонларимиз ўрта асрларда оламшумул кашфиётлар қилиб, дунё илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган, иккита Ренессансга асос солиб, заминимиз тамаддун бешиги сифатида эътироф этилган. Президентимиз мамлакатимиз цивилизациялар бешикларидан бўла туриб, илм-фан соҳасида бошқа давлатлардан ортада қолмаслигини истамоқда. Қолаверса, бугунги замон барча



соҳалар қаторида илм-фанни янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда, зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Учинчи Ренессанснинг рўёбга чиқиши эса илм-фан тараққиётга, ёшларнинг билими, дунёқарашини, интеллектуал салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда таълим тизимининг барча бўғинларини такомиллаштириш, уларга халқаро стандартларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шу. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир худудда Президент мактаблари, айрим фанлар чуқурлаштириб ўтиладиган мактаблар ҳамда буюк аждодларимиз номи билан юри-тиладиган ижод мактаблари барпо этилаётгани янги Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам мактаб остонасидан бошланаётганидан

далолат бермоқда. Таълим тизими қуйидан бошлаб ислохот этилмоқда, унинг ривожига янги ҳаётий имкониятлар янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётганига ҳам урғу берган.

Дарҳақиқат, шу йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бир қатор глобал ва минтақавий ташаббуслар, аниқ амалий тақдирлар халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланди. Октябрь ойида эса мамлакатимиз миллий давлатчилик тарихида ilk бор БМТнинг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзолигига сайланди. Албатта, бу ютуқ

ва эътироф ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунга юртимизда Бош қомусимиз асосида инсон ҳуқуқлари бўйича мустақам ҳуқуқий пойдевор ва шарт-шароитлар яратилгани сабаб бўлди.

Президентимиз табриги кейинги йилларда эришган ижобий натижалар қаторида келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилгани билан катта амалий аҳамиятга эга.

Хусусан, Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштириш, ушбу вазифаларни бажаришда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўлиши лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, тараққиёт кушанаси бўлган коррупциянинг олдини олиш, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустақамлаш, жамоат тартибини сақлаш масалаларига янада кучли эътибор қаратиш, муҳтарам нурунийларимиз, ҳурматли хотин-қизларимиз, азиз ёшларимизнинг ҳаётий манфаатларини, сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ишларимизнинг таъсирчанлигини янада оширишга қаратилган вазифаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

“Тараққиёт стратегияси” маркази ҳам мазкур жараёнда фаол бўлишга, Президентимиз томонидан илгари сурилган мазкур вазифалардан келиб чиқиб, келгуси йил давлат дастурига аниқ ва самарали тақдирларни ишлаб чиқиш, бунинг учун эса илгор хорижий тажрибани, халқаро стандартларни, халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида халқаро анжуманлар, давра суҳбатлари, онлайн-конференциялар ўтказишни мақсад қилиб белгиллади.

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ, ТРАНСПОРТ-КОММУНИКАЦИЯ ВА МАДАНИЙ МУШТАРАКЛИККА ИНТИЛИМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қарори билан илгари ўхшаши бўлмаган ва минтақамизда ягона давлат илмий-тадқиқот муассасаси — Марказий Осие халқаро институти ташкил қилинди. Институт минтақанинг маданиятлар хилма-хиллиги ва барқарор ривожланишнинг замонавий жараёнларини тадқиқ этиш билан шуғулланади. “Дунё” ахборот агентлиги мухбири Марказий Осие халқаро институти директори Анвар Носиров билан ушбу мавзуда суҳбатлашди.

— Ўзбекистонда Марказий Осие халқаро институти ташкил этилишининг сабаблари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Янги институт Президентимиз ташаббуси билан тузилган бўлиб, халқаро мақомга эга.

Институт Марказий Осие мамлакатлари ва бошқа давлатларнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари, шунингдек, минтақага доир муаммолар билан шуғулланадиган турли халқаро ташкилотлар экспертлари билан кенг қўламли алоқаларни йўлга қўйиш ва уни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратади.

Институт илмий ва амалий фаолиятининг асосий йўналишини минтақавий жараёнлар ва мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари билан боғлиқ халқаро муносабатлар ташкил этади. Яқин қўшниларимизга нисбатан очиқ ва конструктив сиёсат юритиш, Марказий Осиедаги минтақавий масалалар ва муаммоларни тенглик асосида ҳал этиш, ўзаро манфаатларни инобатга олиш ва оқилона мурося йўлларини излаб топиш, шунингдек, Ўзбекистон атрофида дўстлик ва фаровонлик, хавфсизлик ва барқарорлик камарини яратиш шулар жумласидандир. Ушбу устувор вазифани муваффақиятли бажариш мамлакатимизни изчил ривожлантириш, ислохотлар жараёнлари, хавфсизлик, тинчлик ва бирдамликни таъминлаш учун қўлай шарт-шароит яратади.

Ўзбекистон Президенти юритаётган фаол яхши қўшничилик сиёсати туфайли сўнгги йилларда Марказий Осиеда соғлом сиёсий иқлим ва дўстона муҳит вужудга келдики, бу минтақада кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Минтақамизга, айниқса, сўнгги йилларда дунё эксперт-таҳлил ҳамжамияти вақиллари томонидан бўлган қизиқиш сезиларли тарзда ошди. Улар бугунги Марказий Осие, хусусан, Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёти ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ ўрганишга интилимоқда.

Хорижий мамлакатлар, жумладан, Россия, Хитой, АҚШ, Туркия, Европа мамлакатлари, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Япония ва Яқин Шарқ давлатларининг институти, университет ва таҳлил марказлари Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар олимлари билан қўшма тадқиқотлар ўтказиш, ўзаро тажриба ва малака алмашиш учун алоқа ўрнатилган тобора кучлироқ қизиқиш билдирмоқда.

Минтақа давлатлари ўртасидаги илмий алоқалар фаоллашмоқда. Унинг асосида минтақавий иқтисодиёт ва турли соҳаларда давлатлараро муносабатларнинг истиқболларини бериладиган ўрганиш, долзарб тақлифлар ишлаб чиқиш зарурияти ётибди.

Шу маънода, институтимиз фаолияти минтақа мамлакатларининг муштарак манфаатлари йўлида яқин илмий тадқиқот ва эксперт ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва мустақамлашга қўмаклашишга қаратилган.

Институтнинг ташкил этилиши давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида минтақавий омилилар ролини оширишнинг объектив глобал тенденциясини акс эттиради. Бу, айниқса, Марказий Осиеда, яъни тарихан Буюк Ипак йўлининг энг муҳим бўғини бўлган, ҳозир эса янги иқтисодий, транспорт коммуникацияси ва ўзаро маданий боғлиқлик томон ҳаракатланаётган минтақада яққол кўзга ташланади.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, минтақанинг барча мамлакатлари манфаатларига бевосита таъсир этувчи долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун минтақавий экспертлар платформасини яратиш госяи илк бор Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилиб, бир-бирини тўлдирувчи турли шаклларда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йилдан бошлаб бизнес ҳамжамиятининг йиллик ихтисослашган иқтисодий форуми ўтказилиб келинмоқда.

2018 йил 20-21 сентябрь кунлари Тошкентда Марказий Осие минтақасининг транспорт-транзит салоҳиятини ривожлантиришга бағишланган “Марказий Осие халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” мавзусида



юқори даражадаги халқаро анжуман ўтказилди. Форумда 37 мамлакат, 25 халқаро ташкилот, молия институтлари ва етакчи транспорт компанияларининг 300 дан ортиқ вакили иштирок этди.

Бундан ташқари, 2019 йил 19-20 февраль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиеда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияни алоҳида таъкидлашни истардим. Унда Марказий Осие масалалари билан кўп йиллардан буён шуғулланиб келаётган халқаро эксперт-таҳлил ҳамжамиятининг 130 дан ортиқ вакили, таниқли олим ва тадқиқотчилар қатнашди.

Ушбу конференциялар ақунлари кўрсатдики, Марказий Осие мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустақамлаш чуқур тарихий илдизларга эга ҳамда ҳолис ва қайтарилмас жараёндир.

Ўзбекистон Президенти ушбу йўналишда яна бошқа кўплаб муҳим глобал ва минтақавий ташаббусларни ҳам илгари сурди. Улар орасида БМТ Бош Ассамблеясининг жорий йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 75-сессияси умумий сиёсий муҳокамалари доирасидаги тақлифлар алоҳида ўрин тутди. Аввало, БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш, 2021 йилда Хивада ЮНЕСКО шафелигида “Марказий Осие жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусида халқаро форумни ўтказиш гоялари назарда тутилмоқда.

Янги институт минтақавий ҳамкорлигининг мазкур ва бошқа йўналишларини муҳокама қилиш, савдо, транспорт коммуникацияси, энергетика, сув, экологик, гуманитар ва хавфсизлик соҳаларида кўп томонлама лойиҳалар бўйича аниқ ва илмий асосланган тақлифлар тайёрлаш учун эксперт муҳокамаларининг ўзига хос майдони бўлиб хизмат қилади.

Албатта, бу ўринда гап нафақат Ўзбекистон илгари сураётган ташаббуслар ва гоялар, балки минтақадаги бошқа давлатларнинг бир-биримизнинг умумий манфаатларимизга жавоб берадиган тақлифлари ҳақида ҳам кетмоқда.

Институтимиз Марказий Осиедаги халқаро муассаса сифатида ташкил этилишининг моҳияти ҳам шундан иборатдир.

— Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осие халқаро институти ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига биноан, институт вазифалари доираси кенг ва кўплаб соҳаларни қамраб олган. Шу ҳақда сўзлаб берсангиз.

— Авваламбор, бу Марказий Осие яхши қўшничилик, барқарорлик ва фаровонлик минтақасига айлантириш, жумладан, Марказий Осие давлатларининг беш томонлама мулоқоти ва уларнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги шаклида амалий тақлифлар ишлаб чиқишни назарда тутди.

Савдо-иқтисодий, энергетика ва транспорт логистикаси алоқаларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш ва амалий тадбирлар ишлаб чиқишдан ташқари, институт инвестициявий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, минтақада самарали ва экологик жиҳатдан хавфсиз “яшил технологиялар”ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур бўлган тақлифларни ишлаб чиқади.

Институт тадқиқотчилар гуруҳи Марказий Осиенинг долзарб экологик муаммолари, айниқса, БМТ доирасида мамлакатимиз ташаббусига мувофиқ экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилинган Оролбўйи минтақаси муаммолари бўйича чуқур илмий тадқиқотлар билан шуғулланиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, самарали минтақавий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш бўйича илгор жаҳон тажрибасини ўрганиш ва уни Марказий Осиеда қўллаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади. Жанубий-шарқий Осие давлатлари уюшмаси (АСЕАН), Осие-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги (АРЕС) ва бошқа бирлашмалар ижобий тажрибасини ҳам ўрганамиш.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) истиқболларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил 11 декабрь куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Президенти биринчи марта иштирок этди ва ушбу саммитда Ўзбекистонга ЕОИИда кузатувчи давлат мақоми берилди. Эндиликда институт Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг устувор йўналишларини ўрганишга ҳам жиддий эътибор қаратади.

Институт Марказий Осие мамлакатлари билан Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш жараёнларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Марказий Осие ва Европа ўртасидаги савдо, инвестиция, илмий-технологик алоқаларни фаоллаштириш имкониятларини назарда тутган ҳолда ушбу йўналишдаги ривожланиш тажрибасини ўрганиш ниятидамиз.

Марказий Осиенинг ноёб тарихий-маданий мероси, миллий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш ва мустақамлаш бўйича жаҳон тажрибасини тадқиқ қилиш ҳам институтимизнинг устувор вазифаларидандир.

Шунингдек, дўстона ва яхши қўшничилик алоқалари, ўзаро англашув ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойилларини мустақамлашда “халқ дипломатияси”нинг турли шаклларидан самарали фойдаланишни ўрганамиш.

— Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан сўнгги тўрт йилда мамлакатимиз ва қўшни давлатлар, жумладан, Афғонистон ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди. Бутун сиёсатшунослар деярли бир овоздан Марказий Осиеда янги сиёсий муҳит яратилгани ҳақида гапирмоқда.

— Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг барча қўшни давлатлар билан муносабатлари сезиларли даражада яхшиланди, мустақамланди, стратегик шериклик хусусиятини касб этди, аниқ амалий мазмун билан бойиди.

Бунда Марказий Осие давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ташкил этиш тўғрисидаги тарихий ташаббусимиз, 2019 йил бўлиб ўтган Тошкент саммитида бешта давлат раҳбарларининг учрашувлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Давлатларимиз етакчилари минтақамиздаги долзарб масалалар ва умумий муаммоларни олиб даражада ҳал қилиш мақсадида ўзаро ишонч асосидаги, конструктив ва очиқ муҳокама учун минтақавий мулоқотлар платформаси сифатида

Маслаҳат учрашувларини мунтазам равишда ташкил этишга келишиб олдилар.

Пандемия минтақамизга ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бироқ айна пайтда давлатларимиз минтақа аҳолисининг фаровонлиги ва манфаатларига дахлдор долзарб масалаларни ҳал қилиш учун қийин пайтларда бирлаша олиши мумкинлигини, бир-бирига керак эканини ҳам намоён этди.

Давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин алоқалар сабабли коронавирус тарқалишига қарши курашиш, инсонларварлик ёрдами кўрсатиш, фуқароларни хорижий давлатлар худудидан олиб чиқишга қўмаклашиш ва бошқа мураккаб масалалар ўз вақтида ҳал этилди.

Коронавирус оқибатида кундалик ҳаётимизда содир бўлган тўб ўзгаришлар туфайли минтақадаги барча мамлакатлар ҳамкорлиқнинг рақамли иқтисодиёт, теле-твизия, масофавий таълим ва электрон тижорат каби янги устувор йўналишларини ривожлантиришдан манфаатдор экани яққол кўзга ташланмоқда. Ушбу соҳада юқори технологияли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш янада хавфсиз ва барқарор муҳитни шакллантириш, илгор технологик ечимларни кенгроқ жорий этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президентини Афғонистонни ҳамма Марказий Осиенинг ажралмас қисми деб ҳисоблаб келади.

Афғонистонда тўлиқ тинчлик ва барқарорликка эришмасдан туриб, минтақамизда ишончли хавфсизликка эришиб бўлмайди. Ўзбекистон ушбу мамлакатни иқтисодий қайта тиклаш, йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида ушбу нуфузли ташкилот ҳузурида Афғонистон бўйича доимий фаолият кўрсатадиган қўмитани ташкил этиш тақлифи жафокаш афғон халқининг дарду ташвишини тинглаб, мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш ишига тизимли ёндашувнинг ифодасидир.

Марказий Осие Жанубий Осие ва Ҳинд океани портлари орқали дунёнинг етакчи бозорлари билан боғлидиган халқаро транспорт йўлақларини ривожлантириш бўйича истиқболли стратегияларда Афғонистон асосий таркибий қисмдир.

Бу келаси йил май ойида Тошкентда ўтказиладиган “Марказий ва Жанубий Осие: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Хатар ва имкониятлар” халқаро конференциясининг асосий мавзуларидан бири бўлади.

— Сиз эслатган конференция нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда, жумладан, халқаро ташкилотлар ва етакчи таҳлилий марказларда ҳам катта қизиқиш уйғотади. Бизда янги муассасани ташкил этиш билан боғлиқ яна бир савол бор — институт фаолиятини қим бошқаради ва унда ишлаш учун мутахассислар қандай танлаб олинади?

— Илгор халқаро тажрибага асосланган ҳолда, Марказий Осие халқаро институтига умумий раҳбарлик қилиш мақсус ташкил этилган васийлик кенгаши томонидан амалга оширилади. Унинг таркиби Марказий Осие мамлакатлари ва бошқа давлатларнинг таниқли жамоат ва илм-фан арбобларидан ташкил топади. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири васийлик кенгашининг раиси ҳисобланади, бу эса институтнинг Марказий Осие масалалари билан шуғулланувчи нуфузли хорижий институтлар ва таҳлилий доиралар билан халқаро алоқалари ва ҳамкорлигини ривожлантиришга ёрдам беради.

Институт васийлик кенгаши томонидан илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари белгиланади, муассаса фаолиятини тақомиллаштириш ва молилаштириш манбаларини жалб қилиш бўйича тавсиялар берилади.

Шу билан бирга, институт ўз фаолиятини мустақил илмий-тадқиқот муассасаси сифатида илмий ҳолислик, ишонччилик ва долзарблик тамойиллари асосида амалга оширади.

Институт фаолияти натижалари минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олиб, олимлар, мутахассислар, шунингдек, сиёсатчилар томонидан минтақавий ҳамкорлиқни янада мустақамлаш йўллари ва Марказий Осие давлатлари олдида турган умумий масалаларни ҳал этиш учун илмий қўмақ бериши керак.

Шу сабабли институтта минтақамиз учун долзарб йўналишлар минтақамиз иқтисодиёт, энергетика ва экология, маданий-гуманитар тадқиқотлар бўйича таҳлилий ва амалий иш тажрибасига эга бўлган етакчи олимлар ва тадқиқотчилар танланмоқда.

Биз давлат ва хусусий сектор, фуқаролик жамияти вақиллари, жумладан, хорижий мамлакатларнинг нуфузли олимлари ва экспертлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ниятидамиз. Бу институт фаолиятининг ҳолислиги ва бетарафлигини таъминлайди, унга жаҳон миқёсидаги таниқли олимлар билан бирга минтақавий жараёнлар хусусида ўз қарашларига, инновацион фикрлашга эга бўлган ёш иқтидорли тадқиқотчиларни ҳам жалб этади.

“Дунё” АА



Синовлар мардона энгиб ўтилатган ҳозирги кунларда мамлакатимизда ёрдамга муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган хайру саховат тадбирлари инсонийликнинг юксак ифодасини намоён этмоқда. Президентимиз ташаббуси билан олижаноб мақсадларни кўзлаб қилинаётган ишлар халқимизнинг миннатдорлигига сабаб бўлаётир.

ЯХШИЛИК ЁРУҒ КУНЛАРГА ЗАМИНДИР

Раҳматиллоҳ
УСМОНОВ,
Қашқадарё вилояти
бош имом-хатиби

Бугунги вазият синовли кунлардан эсон-омон чиқиш учун тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, қийналган ва доимий иш жойидан ажралган инсонларга амалий ёрдам зарурлигини кўрсатди.

Қашқадарёда ҳам “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан 12 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари кам таъминланган оилаларга етказилмоқда. Шунингдек, Меҳрибонлик, Саховат ва Муруват уйларида ҳам энг зарур хижозлар топширилиб, эҳсон дастурхонлари ёзилмоқда.

Дарҳақиқат, тақдир тақозоси билан оғир вазиятга тушиб қолган инсонга ўз вақтида кўрсатилган беминнат ёрдамнинг ўрнини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Айниқса, бугун дунё ахли пандемия инқирози билан боғлиқ ўта оғир жараёнларни бошидан кечириётган бир паллада ана шундай меҳр-саховат тадбирлари алоҳида аҳамият касб этади.

Вилоятдаги жоме масжидларимизда ҳали-ҳануз хавфи қамаймаган коронавирус хасталигининг тезроқ даф бўлиши ва осийошлар кунларнинг келиши, ислохотларнинг бардавом бўлишини Аллоҳ таолодан сўраган ҳолда, Қуръонни қарим хатмлари қилинмоқда. Зеро, ҳадиси шарифда айтилганидек, “Ҳар бир Қуръонни қарим хатмидан кейин қилинган дуолар мустажобдир”.

Халқимиз қадимдан бошига ташвишли кунлар келганида қўлни-қўлга бериб, бир-бирига елкадош бўлиб келган. Меҳр ва саховат, эзгулик тушунчалари уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Муборак қадрият ва анъаналаримиз моҳиятида эзгулик, саховатпешалик, муҳтожларга ёрдам бериш, кекаларни ёзозлаш каби гоялар мужассамдир.

Муқаддас динимиз одамларнинг жамиятда инсоний фазилатларни қўллаб-қувватлаб, барчани бир-бирига меҳр-муҳаббатли, хурмат-эътиборли бўлишга буюради, ўзаро ёрдамга тарғиб қилади. Яратган Роббимиз бандаларини

доимо хайру саховатли бўлишга буюради. Бунни қўйдаги оятдан фахмлаш мумкин: “Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг” (Моид сураси 2-оят).

Яхшилик деганда, дунёдаги барча эзгуликлар — ростгўйлик, омонат, тоат-ибодат, сахийлик, шижоат кабилар англашилади. Бу ишлардаги ҳамкорлик жамиятни тараққий қилдириб, инсонларни бахтга эриштиради.

Айё ибн Муоз ятади: “Хар қандай одамнинг қалбида сахийга муҳаббат, бахилга нафрат бор”. Аллоалар таъкидлашчи, яхшилик қилган одамнинг умри узун бўлади. Бу ўринда умрнинг узунлиги тоабда давом этувчи маъносидадир. Яхши, саховатли инсон авлодлар қалбида яшайди.

Шунинг учун кишиларнинг яхшилигига шўр қилиш ва ундан миннатдор бўлиб, Аллоҳдан эзгуликларни сўраш керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким сизларга бир яхшилик қилса, уни муқофотласин. Бирор нарса топа олмаса, унинг ҳаққига дуо қилсин”, деганлар. Қўрсатилган беғараз ёрдамни ҳис этиш, шўр қилиш, миннатдорлик, ишбошилар ҳақида хайрли дуоларда бўлиш ушбу ҳадис мазмунига мувофиқ келади.

Мамлакатимизда ҳам пандемия инқирози таҳдид солган илк кунлардан давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан бу бало-қазога қарши бошланган яқдид кураш, касалликка қалинган одамларга зудлик билан ёрдам кўрсатишда халқимизнинг меҳр-саховат, ҳамжихатлик, оғир кунларда беминнат ёрдам кўрсатиш каби қадриятлари яққол намоён бўлди.

Мамлакатимиздаги бирдамлик ва, энг асосийси, оқилона сиёсат бутун жамиятнинг мураккаб жараёнлардан кам талафот билан ўтиб олишига, халқимиз турмуш даражасининг барқарорлиги ҳамда ҳар бир фуқаро эътиборда бўлишга замин яратмоқда.

Аллоҳ таоло юртимиз ва бутун дунёдан бало ва қулфатларни аритсин, халқимизнинг бирдамлиги ва аҳилигини бардавом қилсин! Оқибат ва саховат доимий амалимиз бўлсин!



Ўзгаришлар суръати

Ўзбекистон ва Марказий Осиё: МИНТАҚАДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎРНИ МУҲИМ



Анвар ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Стратегик ва минтақалараро
тадқиқотлар институти
етакчи илмий ходими

Марказий Осиёда гендер тенгликни таъминлаш масаласи тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада минтақа миқёсида қатор ижобий ишлар қилинмоқда. Хусусан, 2020 йил 23 декабрда Марказий Осиё давлатларининг аёл раҳбарлари билан мулоқотни яратиб бўйича илк бор БМТ шафелигида видеоконференция шаклида учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда Марказий Осиё давлатлари вакиллари, БМТнинг Марказий Осиё учун профилактик дипломатия минтақавий маркази (МОПДММ) ва БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДХ минтақавий бюроси раҳбарлари иштирок этди. Ўзбекистон томонидан мазкур тадбирда Олий Мажлис Сенати раиси Т.Норбоева қатнашди.

Бу Марказий Осиё давлатларининг БМТ шафелигида минтақада гендер тенгликни таъминлаш бўйича биринчи мулоқоти ҳисобланади. Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — Марказий Осиёни аёллар дискриминациясидан холи ҳудудга айлантириш. Бу эса Марказий Осиёда мазкур йўналишда ижобий сиёсий муҳит шаклланаётганига яна бир далолатдир.

Тадбирнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, МОПДММ раҳбарининг тақлифига биноан, Марказий Осиёдаги аёл раҳбарларнинг мулоқотига 2021 йилда раислик қилиш айнан Ўзбекистон томонига — Олий Мажлис Сенати раиси Т.Норбоева зиммасига юкланди.

Учрашувда Марказий Осиёда давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашда аёлларнинг ўрни, уларнинг давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиши, ўзгаришларга ёрдам бериш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, конференция иштирокчиларига Ўзбекистонда ушбу соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Барча иштирокчилар мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш бўйича амалга оширилган ишларни юқори баҳоладди.

Шу ўринда сўнгги йилларда жамиятимизнинг турли соҳаларида (ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий) аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қатта эътибор қаратилётганига тўхталиб ўтсак. Хусусан, бугунги кунда бошқарув лавозимларида аёлларнинг улуши 26,6 фоизни ташкил қилмоқда. Давлат бошқарувида хотин-қизларнинг иштирокини ошириш мақсадида 6 минг нафардан ортиқ фаол хотин-қиздан иборат кадрлар захираси шакллантирилди.

Ижро ҳокимияти органларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ҳам аёлларнинг юқори лавозимларга тайинланганини кўриш мумкин. Жумладан, ҳозир 16 нафар аёл Ички ишлар вазирлиги тизимида раҳбарлик лавозимида фаолият юритмоқда. 6 нафар аёл ҳоким лавозимига тайинланган. Жорий йилда мамлакат тарихида биринчи марта аёл киши Ўзбекистоннинг хорижий давлатдаги элчиси вазифасини бажаришга киришди.

2019 йил декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайлов натижаларига кўра, аёл депутатлар сонини Кўнунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 32 фоизини, аёл сенаторлар эса Сенат аъзоларининг 25 фоизини, маҳаллий кенгашларда эса 25,6 фоизни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон парламенти жаҳондаги 190 та парламент орасида 44-ўринни банд этмоқда.

Билим олишда, касб танлашда, лавозимга кўтарилишда эркаклар билан

аёлларга бирдек имкониятлар яратиши, уларнинг ҳуқуқлари тенг равишда муҳофаза қилинишида акс этадиган гендер тенглик ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқидир. Гендер тенгликни таъминлаш эса қашшоқликни қисқартиришдан тортиб, фарзандларнинг соғлиғи, таълим олиши, уларнинг ҳимояси ва фаровонлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган соғлом жамиятни барпо қилишдаги асосий омил ҳисобланади.

БМТнинг аёллар тузилмаси экспертларининг таъкидлашича, ҳозирги кунда дунёда 750 миллионга яқин аёл 18 ёшга тўлмасдан турмушга чиқишга

қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, десак хато бўлмайди. Эркак ва аёлларнинг тенглиги алоҳида эътироф этилган ушбу декларациянинг 1-моддасида: “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин, бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”, дея белгиланган.

Бундан ташқари, БМТ томонидан 1966 йилда қабул қилинган яна бир халқаро ҳужжат — Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро



мажбурланади. 49 мамлакатда эса оилавий зўравонликни тақиқловчи қонунлар мавжуд эмас.

Жаҳон мамлакатларининг сиёсий ҳаётида аёлларнинг фаол иштирокига қарамай, ҳозирги кунда аёллар мамлакат парламентларида ўртача 23,7 фоиз ўринга эга бўлиб, бу гендер тенглик тамойилига жавоб бермайди. 46 мамлакатдагина парламентнинг қаммида битта палатасидаги аёллар улуши 30 фоизни ташкил этади.

Умуман олганда, гендер тенгликни таъминлаш ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бир қатор ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 70 та мамлакатдаги 13 мингта корхонада ўтказилган сўровнома иштирокчиларининг 57 фоиздан кўпроғи гендер хилма-хиллиги бизнес натижаларини яхшилаётганини тасдиқлаган. Бошқарув органларида гендер хилма-хиллигини таъминлаган компанияларнинг қарийб тўртдан уч қисми фойда улушини 5 фоиздан 20 фоизгача оширганини билдирган.

Мутахассислар фикрича, аёлларнинг меҳнат бозорига тўлиқ иштироки иқтисодий ўсиш суръати 10 фоиз ошишига олиб келса, хотин-қизларнинг таълим олиш дастурларига киритилган сармоя 5 баробар, аёлларни тадбиркорлик субъектларига кенг жалб қилишга киритилган сармоя 7 баробар кўпсараб қўлсиз қолдирилган.

БМТ Тараққиёт дастури томонидан ҳар йили дунё мамлакатларида гендер тенгсизлик индекси бўйича тадқиқот ўтказилади. Унда 3 та асосий кўрсаткич бўйича мавжуд ҳолатлар ўрганилади: 1) репродуктив соғлиқни сақлаш; 2) фуқаролик ҳуқуқ ва имкониятлари; 3) меҳнат бозоридagi иқтисодий фаолият ва имкониятлар.

2019 йилда ташкилот томонидан эълон қилинган ҳисоботда гендер тенглик таъминланганига оид энг юқори кўрсаткичлар Швейцария, Дания, Швеция каби давлатларга тегишлидир. МДХ давлатларидан Беларусь Республикаси 27-ўринни, Қозғистон — 46, Молдова — 50, Россия Федерацияси — 54, Ўзбекистон — 64, Тожикистон — 84 ва Қирғизистон 87-ўринни эгаллаган. Ривожланаётган мамлакатларнинг деярли учдан икки қисми бошланғич таълимда гендер мувозанати эришса олган.

Гендер тенгликнинг ҳуқуқий таъминлашувида асосий ўрин тутувчи норматив ҳуқуқий ҳужжат 1948 йилда БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул

пактнинг 3-моддасида “Мазкур пактда иштирок этувчи давлатлар эркаклар ва аёллар учун ушбу пактда қўриб чиқилган барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланишини таъминлаш мажбуриятини олади”, деб таъкидланган.

Ўзбекистон бу халқаро ҳужжатларни ратификация қилган бўлиб, уларда белгиланган мажбуриятларни бажаришда юқори ташаббус кўрсатмоқда.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида бундай деган эди: “Гендер тенглик мавзусини тўғри ёритиш зўравонликдан азият чеккан аёлларнинг ҳимоя қилишга ёрдам беради. Аёллар ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, камситилишга қарши кураш усуллари тўғрисида маълумот олишлари мумкин. Барча учун тенг имкониятлар тўғрисида жамоатчилик фикрини шакллантиришга айнан ОАВ жавобгардир”.

Мамлакатимизда қисқа муддатда гендер тенгликни таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар тахлилий асосида қўйиладиган кўрсаткич мумкин.

Биринчидан, гендер тенгликни таъминлаш бўйича қонунчилик ва институционал асосни мустаҳкамлаш йўлида муҳим чоралар қўрилди. Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига доир қарийб 20 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, 2 та қонун, Президентнинг 4 та қарори ва 1 та қарор, Вазирлар Маҳкамасининг 13 та қарори қабул қилинди.

Жумладан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар

кафолатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, барча вазирлик ва идораларга гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгаши органлари фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, меҳнат жамоаларида маслаҳат кенгашлари ташкил этилди.

Иккинчидан, хотин-қизларни ҳам ҳаётда, ҳам иш фаолиятида ҳуқуқларини ва гендер тенглигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси тузилди. Ушбу комиссия хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини юритади. Шуларни инобатга олган ҳолда, 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси лойиҳаси тайёрланиб, мамлакатдаги давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларни бажаришда ҳамкорлик ўрнатмоқда. Мазкур стратегиядаги барча йўналишлар БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Учинчидан, 2019 йил 7 мартда Президентимизнинг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, 2019 йил 1 майдан:

- аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича таққилар бекор қилинди;
- тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланди;
- бола парварishiга оид бир қатор имтиёз ва ҳуқуқлар берилиши белгилаб қўйилди.

Тўртинчидан, мамлакатимизда зўравонлик қурбонлари бўлган аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ўз вақтида ёрдам бериш учун бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида таълим ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя орденини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш бўйича тартиблар белгиланган.

Бундан ташқари, зўравонликка учраган аёлларга ўз вақтида ёрдам бериш ва ҳолидан хабар олиш мақсадида “Нажот” мобиль иловаси иш-

Халқаро ҳамкорлик



Ўзбекистон ва МДХ: МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ АЛОҚАЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимиз ўз ёндашувларини мақбуллаштириб, МДХ фаолиятидаги иштирокини сифат жиҳатидан янгича босқичга олиб чиқмоқда. Зеро, МДХ республикаимиз учун устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилиш имконини берадиган муҳим тузилма, иштирокчи давлатлар эса ҳамкорларимиз, кўшнилариимиз ва дўстларимиз ҳисобланади.



Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенати Ёшлар,
маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси

Шу маънода, 2020 йил тарихимизда муҳим из қолдири. Жорий йилда Ўзбекистон МДХга раислик қилишдек масъулиятли вазифани илк бор ўз зиммасига олди. Жорий йил 18 декабрда Президентимиз раислигида МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлисда Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон ҳамда Россия Президентлари, шунингдек, МДХ Ижроия қўмитаси раиси ва Ҳамдўстлик парламентлараро ассамблеяси кенгаши раиси иштирок этди. Кун тартибига мувофиқ, МДХ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг ҳолати ва устувор йўналишлари қўриб чиқилди, шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги режалар белгилаб олинди. Саммитда МДХнинг улкан салоҳиятидан фойдаланиш, саъй-ҳаракатларни бirlaштириш, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш қоронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан инқироздан тез фурсатларда чиқишнинг мақбул йўллари топиш учун хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Президентимиз томонидан ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга доир қатор тақлифлар илгари сурилди.

Жумладан, МДХ ижодий ва фан зиёлиларининг навбатдаги форуми доирасида Ўзбекистонда “Ҳамдўстлик мамлакатлари маданий мероси” конференциясини ўтказиш тақлифи берилди. Ушбу тақлифлар жаҳон ҳамжамияти, юртдошларимиз ва мутахассислар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди.

Қадим тарихдан маълумки, Ўрта Осиё турли халқлар, маданиятлар ва динларнинг туташув нуқтаси бўлиб, уларнинг ўзаро уйғунлиқда ривожланишига туртки бўлган маскандир. Буюк ипак йўлидаги марказий ўрни тўғрисида минтақа халқаро савдо, маданий, илмий ва ақл-заковат алмашинувида муҳим бўгин бўлиб хизмат қилди.

Марказий Осиёнинг жаҳон маданияти ва илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини оммалаштиришда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутди. Мамлакатимиз географик, маданий, тарихий ва маънавий жиҳатдан минтақанинг юраги ҳисобланади. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон тарих, маданиятлар ва урф-одатлар муштараклигини ҳамда ҳафсизликнинг бўлимаслигини англаган ҳолда, Марказий Осиёда миллатлараро муносабатлар масалаларида ҳал қилувчи, ижобий ва масъулиятли роль ўйнаб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва уларни келажак авлодга етказиш борасида ҳам бир қатор амалий ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, Ўзбекистон томонидан маданий мерос соҳасига оид 4 та халқаро конвенция ратификация қилинди. Соҳани халқаро нормапарга мос ҳолда тартибга солишга қаратилган ўндан ортиқ алоҳида қонун ва қонунсиз ҳужжат қабул қилинди. Ўзбекистон Президентининг “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Маданият вазирлиги ҳузурида

Маданий мерос департаменти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари ташкил этилди. Президентимизнинг 2018 йил 16 январдаги “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармойиши асосида юртимиздаги мавжуд моддий маданий мерос объектларини қайта хатловдан ўтказиш топшириғи асосида Ўзбекистон Республикаси моддий маданий мероси кўчмас мулк объектларининг миллий рўйхати тасдиқланди. Маданий мерос департаменти ҳузурида тарих, меъморлик, моддий маданий мерос соҳасида илмий, амалий тажрибага эга бўлган 11 нафар олим ва юқори малакали мутахассисдан иборат илмий эксперт кенгаши таркиби шакллантирилди.

Бугунги кунда республикаимизда жами 8 208 та моддий маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлиб, шундан 4 748 таси археология, 2 250 таси архитектура, 678 таси монументал санъат ёдгорлиғи, 532 таси диққатга сазовор жойлар ҳисобланади.

“Сармишсой”, “Шахрисабз”, “Термиз” ва “Қўқон” давлат музей-қўриқхоналари ташкил этилди ва 2292 та моддий маданий мерос объектида муҳофаза белгилари, маҳаллий ва хорижий сайёҳларга қўлайлик яратиш мақсадида 1088 та йўл кўрсаткич ўрнатилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон билан ЮНЕСКО алоқаларини ривожлантиришга қаратилган 2021 йилгача ҳамкорлик дастури доирасида ҳам мамлакатимизда бир қатор эътирофга лойиқ лойиҳалар амалга оширилди. Хивадаги Ичан қалъа мажмуаси, Самарқанд, Бухоро ва Шахрисабзнинг тарихий марказлари, шунингдек, Қотқол биосфераси ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Шашмақом, Бойсун маданий макони, Наврўз, Катта ашула, Аския, Палов маданияти ва аънаъаси, Хоразм рақси — лағзи, миниатюра санъати каби меросларимиз ташкилотнинг Инсоният номодий маданий мероси репрезентатив рўйхатидан жой олди. Марғилон ҳунармандчилик мактаби, атлас ва адрас тўқуш технологияси энг илгор тажриба реестридан ўрин эгаллади. “Шарқ тароналари”, Бахшчилик санъати, Ҳунармандчилик ва фольклор санъати фестиваллари ҳамда Мақом санъати анжумани каби қатор йirik халқаро тадбирлар ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Мазкур нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорликда 2021 йилда Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусида халқаро форум ўтказилиши кўзда тутилган. Мазкур форум минтақаси халқларининг дунё тамаддунига қўшган бемисл ҳиссаси ҳақида кенг қамровли фикр билдириш учун минбар вазифасини ўтайди, десак муболага бўлмайди.

Президентимиз ташаббуси билан “Ҳамдўстлик мамлакатлари маданий мероси” халқаро конференциясининг ташкил этилиши эса Ўзбекистон ва, умуман, МДХдаги бой маданий-маънавий, тарихий меросни кенг оммалаштириш ҳамда чуқур ўрганиш, шунингдек, дунё бўйлаб сайёҳлик оқимини қўлайлаштириш орқали минтақа мамлакатларининг барқарор ва иқтисодий ривожланишига эришишда яна бир муҳим қадам бўлади.

Бу конференция халқаро илмий ҳамжамиятнинг Ўзбекистон ва МДХ маданий мероси баробарида илмий ва интеллектуал меросини ўрганишга бўлган қизиқишини оширишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Маданий ва тарихий меросни тиклаш ва оммалаштириш бўйича МДХ мамлакатларида қўрилаётган чора-тадбирларга жаҳон ҳамжамияти эътибори янада кучаяди.

Шунингдек, анжуман минтақада бу йўналишдаги ҳамкорлик истиқболларини чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш учун ҳам яхшичи на муҳокама майдони вазифасини ўтайди. Бу юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мерос

БУЮК
АЖДОДИМИЗ
НОМИ БАРҲАЁТАкрам АКМАЛОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент,
Аббос АКМАЛОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент

Президентимиз Ўзбекистон ёшлари форумида
“...Сиз Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Сино, Улуғбек,
Навоий ва Бобурлар, Бухорийлар, Термизийлар авлодсиз.
Ана шундай буюк ватандошларимиз яратган бебаҳо билим ва
кашфиётлар бугун ҳам бутун инсониятга хизмат қилмоқда....
Бу ўринда қомусий олим Мухаммад Хоразмий асос солган илм —
“алгоритм”ни инсоният ҳамон миннатдорлик билан эсламоқда.
Унинг оламшумул кашфиётлари бугунги ахборот технологияларини
яратишда ҳам асос бўлган”, дея боболаримизнинг юксак салоҳиятига
алоҳида урғу берди. Бу, албатта, бежиз эмас.



Чунки айни пайтда янгиланаётган Ўзбекистонда аллома аждодларимизнинг фанлар соҳасида яратган кашфиётлари билан ёшларни кенг таништириш, илмий изланишларида таянч манба сифатида мурожаат қилишга йўналтириш мақсадида қатор амалий ишлар бажарилапти. Жумладан, юртимизда Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди. Таълим муассасасида иқтидорли ёшларга математика ва ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитиш, миллий ва дунё илм-фанининг янги ютуқларини ўргатиш, келгусида юрт раванглиги муносиб ҳисса қўшадиган етук мутахассис бўлишлари замин яратилди.

Президентимизнинг 2017 йил 15 мартдаги “Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан мазкур олий ўқув юртига Мухаммад ал-Хоразмий номи берилди. Университетнинг иқтидорли талабалари учун бериладиган Мухаммад ал-Хоразмий номидаги давлат стипендиясининг жорий этилиши ва “Мухаммад ал-Хоразмий авлодлари” илмий журналининг таъсис қилиниши бобомизнинг бебаҳо илмий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, у каби фанлар соҳасида илмий тадқиқот билан шуғулланувчиларнинг ишлари натижаларини, илмий мақолаларини эълон қилиши учун кенг имкониятлар яратди.


Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 майдagi “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, математика соҳасидаги фундаментал ва амалий илмий изланишлари натижаларига қўра, амалиётдаги муайян муаммонинг ечимини тақлиф этган олимларни мукофотлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мухаммад ал-Хоразмий номидаги халқаро мукофоти таъсис этиладиган бўлди. Мукофот билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фан ва технологиялар бўйича республика кенгашининг тақлифига қўра, унга йўналиш (фундаментал соҳадаги тадқиқот,

ёшлар ўртасидаги тадқиқот ва иқтисодийнинг реал секторидagi муаммонинг ечимини таъминлаган тадқиқот) бўйича берилади. Ҳар бир йўналиш бўйича мукофот совриндорларига белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 50 минг АҚШ доллари эквивалентидagi пул мукофоти берилиши назарда тутилган.

Илм-фан соҳасига алоқадор кенг қўламли ишларга буюк бобомиз номи берилгани замирида улкан маънавому муассасам. Жумладан, улуг аждодимиз номи билан яритилган таълим муассасалари ўқувчи-талабалари ўз зиммасида атоқли ватандошимизга муносиблик масъулиятини тудди. Қомусий билимлар соҳиб бўлган аждодимиз илмий меросини чуқур ўрганишга интилади. Зеро, жаҳонда Хоразмий бобомиз номи ва асарлари етиб бормаган жой жуда оз. У тартган илм нурлари асрлар оша дунёнинг энг нуфузли олий таълим муассасаларида ҳам шуъла соймоқда.

Шарқнинг Хоразмийдан кейин яшган машҳур математиги Абу Комил Фужо ибн Аслам бундай деган эди: “Мен ҳисоб олимларининг китобларини кўп ўқидим. Бу китоб орасида Мухаммад Мусо Хоразмийнинг “Ал-жабр вал муқобала” китобини энг соғлом қоидал ва энг тўғри қиёс деб топдим. Шундай бўлган, Хоразмий китобини олдинга қўйиш, унинг билим ва фазилатига иқдор бўлишимиз лозим. Чунки Хоразмий бу китобни биринчи бўлиб ёзган кишидир. У ихтиро қилган қоидалар орқали “ал-жабр вал муқобала”нинг яширин қолган жойларини ўрганди, ақдан узокларини ақлга мувофиқлаштирди, қийинларини осонлаштирди...”

Хоразмий ўз алгебрасида қандай манбаларга асослангани маълум эмас. Хоразмий келтирган қоидалар (алгоритмлар) бўйича квадрат тенгламаларнинг ечимини топиш усули деярли XVI асрга қўллаб келинди. Президентимиз Ёшлар форумида “Қуни кеча олис Испаниянинг Мадрид шаҳридаги Комплутенсе университетида аллома бобомизнинг ҳайкали ўрнатилгани ҳам бу халқаро эътирофнинг ақол исботидир. Машҳур аждодимиз хотирасига кўрсатилган бундай улкан эътиромни, биз айни вақтда халқимизга, унинг қадимий тарихи ва бой маданиятига кўрсатилган юксак ҳурмат рамзи сифатида қабул қилишимиз керак”, дея эътироф этгани бу буюк алломанинг илм-фан йўлидаги беқиёс хизматлари нақадар юксаклигини кўрсатиб турибди.

ВАТАНПАРВАР —
ВАТАНДА КЕРАКМаҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири, сенатор

Йил поёнлаб бораркан, одатда янги йилга етиб келиш осон бўлмагани, турфа машаққатларни енгиб ўтганимизни, ортда қолган кунлар давомида аламли йўқотишларга учраганимизни ва бир сўз билан айтганда, мазкур йил биз учун синови йил бўлганини айтаман. Ва янги йилда мана шундай кўнгилсизликлар тақдорларимизни ният қиламиз.

Йил аввалида барчамиз Хитойнинг Ухань провинциясида дахшатли вабо “кўз очгани”ни, у Эрон ва яна кам сонли мамлакатларда ўз нуқсини қолдираётгани ҳақида билардик. Бироқ кўпчилигимиз унинг зум ўтмай, бизнинг заминга ҳам етиб келишини хаёлимизга ҳам келтирмагандик. Чунки олдинлари ҳам хавфли касалликлар Хитойда қўзғалган ва оз муддатда давоси топилаган ёки исзис йўқолганди... Бу сафар эса... олам биологик уруш қомиди қолди гўё!

2020 йил бошида мутахассисларимиз башорат қилаётган қанчадан-қанча иқтисодий, молиявий кўрсаткичлар ҳам бутун оламда ҳанузгача давом этаётган беқарорликка дучор бўлди. Янги йилни бироз қарахт, бироз хавотир ва чуқур хўрсиниш билан, энг аламлиси, ўша вирусни елкалаган ҳолда кутиб олаётганимизга қарамай, метин иродали халқимиз қоронғулик ортда оппоқ тонг борлигига қатъий ишонди.

Яқинлашиб келаётган янги йил миллатимиз учун алоҳида кадр қимматга эга. Боиси 2021 йил билан боғлиқ тарихий саналаримиз, юбилейларимиз бисёр. Уларнинг ичиди энг улуғи, энг азизи — бу шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 30 йиллик тўйининг нишонлинидир.

Наздимизда, кечатгина ватан хуррияти қўлга киритилиб, давлатимиз, халқимиз қадду бастини янгидан тиклаётгани. Мана бугун у бир ўқтам йилгит ёшига қадм қўймоқда. Адабиёт нуқтаи назаридан олиб қарасак ҳам, бошқа соҳалардаги қомиллик дебоҳаларини таҳлил қилсак ҳам, ўттиз ёш инсон ҳаётида энг катта бурилиш, энг улкан уйғониш даври бўлишини кўраимиз.



Халқим йўлдошларимиз билан сўраб.

деган ҳаққоний қараш ҳам ўз инъикосини топтоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг беқиёс ташаббускорлиги билан сиёсий-иқтисодий ҳаётимизда чинакам ўзгаришлар бошлангани кейинги тўрт йилда, айниқса, кенг маънода кўринди. Ўша 2020 йил 1 январидан ҳокимларнинг фермерлардан ерини олиб қўйиш ваколати халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтказилгани, мамлакатимизда янги Солиқ кодекси қуча қиргани ва унга қўра, бир қатор солиқ турларининг қисқартирилгани халқимиз турмушига ўзгача мазмун бағишлади.

Президентнинг миллат, давлат эртасини ўйлаб, ёшлар билан учрашиши бутун дунёда акс-садо бермоқда.

Мухтарам Президентимиз форумда сўзлаган нутқининг бошидаёқ: “Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда, сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнгилм тоғдай кўтарилари. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орузи билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрлайман”, дея юракдан айтган сўзларини қоракўз ёшларимиз қатори биз ҳам ҳажжон ва ҳавас билан тингладик.

Мамлакатимиз раҳбари бир қатор вазифа ва масалалар ҳақида атрофлича тўхталаркан, барчамизга бирдек дахлдор, барчамизни янги-янги

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилгани, юртимизда тўй ва маъракаларни тартибга солиш низоми қуча қиргани, ижод мактаблари очилиб, адабиётга алоҳида эътибор қаратилаётгани каби ажойиб воқеалар эса ҳар биримизнинг гувоҳлигимизда рўй бермоқда. Табиийки, бу ислохотларнинг барчаси ҳаётимизда ўз иқобий натижаларини кўрсатмоқда.

Юқоридаги фикримизга қайтсак. 2021 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришганига 30 йил тўлади. Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 17 декабрида “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорини имзолади.

Қарорда давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги санаси муносабати билан келгуси йилда кенг қўламли ишлар амалга оширилиши режалаштирилаётгани ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Бу умидбахш режалар кайфиятимизни янада кўтарди, қалбимизга яратиш, ашарши ишқини солади.

Агар Президент қарорини Мустақиллигининг 30 йиллиги сари илк қадам десак, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз тарихида биринчи мартабда ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумини бу улуг йўлда ташланган иккинчи муҳим одим сифатида баҳолаш мумкин бўлади. Зеро, ёшлар форуми мазкур қарорнинг мантиқий давоми, ўзвий бир бўлган бўлди.

Ҳа, анжуман жуда кенг қўламда, кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди ва бу



маънавий-маърифий ҳаракат бутун мамлакатимизни қамраб олди. Унда вилоятларнинг ҳокимлари, вазирлар, йирик ташкилотларнинг раҳбарлари ёшлар билан учрашиб, қимматли маслаҳатларини берди, ўз соҳасида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида самимий мулоқот қилди.

Фестивалнинг пойтахтимиздаги муҳташам “Хумо арена”да ўтказилган якуний финал қисмида Президентимизнинг шахсан иштирок этиши миллионлаб ёшларимиз ҳамда ота-оналар қалбига миннатдорлик туйғусини, хайрат ёғдусини олиб қиргани рост. Юракларда эртанги кунимизга, порлоқ келажакимизга қатъий ишонч янада барқ урди. Президентнинг миллат, давлат эртасини ўйлаб, ёшлар билан учрашиши бутун дунёда акс-садо бермоқда.

Мухтарам Президентимиз форумда сўзлаган нутқининг бошидаёқ: “Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда, сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнгилм тоғдай кўтарилари. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орузи билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрлайман”, дея юракдан айтган сўзларини қоракўз ёшларимиз қатори биз ҳам ҳажжон ва ҳавас билан тингладик.

Мамлакатимиз раҳбари бир қатор вазифа ва масалалар ҳақида атрофлича тўхталаркан, барчамизга бирдек дахлдор, барчамизни янги-янги

ташаббусларга ундайдиган, ўз-ўзимизга кўпроқ танқидий-таҳлилий ёндашишимизни такоза қиладиган фикрларни, мулоҳазаларни илгари сурди. Зеро, Ватанин севиш сўзда эмас амалда бўлмоғи лозим. Бунёдкорлар сафида бўлишни истаган ҳар бир ватандошимиз ҳалолликни мезон, илмни дастуриламал қилиб олсагина ишида ривож, толганида барака бўлади.

Шу боис, давлатимиз раҳбари ўғил-қизларнинг иқтидори юзага чиқиши билан боғлиқ долзарб муаммоларга тўхталаркан, жойларда истеъдодли болаларнинг ўз қобилиятини кўрсатишига шароит йўқлигини қуйинчаклик билан таъкидлади. Бунини қўпинча талантли ёшларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича қилинаётган ишлар талабга жавоб бермаслиги билан изоҳлади.

“Мисол учун, қайси худуддан қанча Зулфиячи қизлар чиқди? Нечтаси “Нихон” мукофоти совриндори бўлди? Қайси ёш шоир ёки ёзувчининг китоби нашр этилди? Қайси ёш талант республика ёки халқаро танловларда, спорт мусобақалари ва фан олимпиадаларида ғолиб бўлди? Агар масалалар чуқурроқ қарайдиган бўлсак, эртага мана шундай ёшлар туман ёки шаҳарнинг “олтин фонди”га айланади ва улар шу худуднинг обрўсини юксалтиришга хизмат қилади”, деди Президентимиз ўз маърузасида.

Мана шу масалалар ечими сифатида ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимига ўз худудида яшаётган 10-15 нафар истеъдодли ёшни саралаб, уларни ҳар томонлама тарбиялаш ва мунтазам рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш вазифаси юклатилди.

Табиийки, бу фақат ҳокимларнинг зиммасидаги иш эмас. Барча — шу она юрт тараққиётига ўзини бурчдор деб билган инсонларнинг ҳаммаси ҳокимларга бу борада қўмақчи бўлмоғи зарур. Зеро, бу ўғил-қизлар ўзимизнинг фарзандларимиз, улар бизнинг гуруримиз, юзимиз, эртанги кунимиз. Хусусан, Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими ҳам бу борада жорий йилдаги ишларимизни фолд давом эттирган ҳолда, 2021 йил учун ҳам ўзимизнинг алоҳида режаларимизни тузишга киришдик. Насиб қилса, келгуси йил аввалидаёқ вилоятимизда ижод қилаётган энг истеъдодли қаламқаш ёшларимизнинг китобларини чоп этишга, адабий тўғараклар фаолиятини янада қучайтириш, ижодий семинарлар, маҳорат сабоқлари, шеърят кечалари ташкил этиш каби сайёҳаракатлар билан уларга ҳар томонлама маънавий-руҳий мадад беришга аҳд қилганмиз.

Инчунин, форум давомида Президентимизнинг ёшларга мурожаатидаги қутлуғ даъватлар бизнинг Тошкент вилояти ёшлари, хусусан, ижодкор ўғил-қизларимиз учун ҳам дастуриламалдир. Бу борада Ёзувчилар уюшмаси ва унинг вилоятдаги бўлимлари, жумладан, Тошкент вилояти ижодкорлари ҳам маънавий, ҳам руҳий жиҳатдан ўзининг борлигини ва бирлигини намоён этиши лозим...

Шу маънода, Ўзбекистон ёшларининг мазкур форуми мамлакатимиз ўғил-қизлари йўлига ёқилган чироқ бўлди. Бу — Президент чироғи! Давлатимиз раҳбари маърузаси бошдан охир оталарча меҳрга йўғрилгани боис, ёшларимиз ўз қалбларида армонга айланб келаётган саволларни шу даражада самимий, очик, эркин, иштиёқ ва ишонч билан изҳор қилдиларки, уларни тинглаб Президентимиз дили дарёга айланди. Ҳар бир савол, кун тартибига қўйилган ҳар бир муаммо жойида ўз ечимини топди. Ўзбекистон ёшлари бу қутлуғ даргоҳдан қанот боғлаб чиқдилар десам, муболага қилмаган бўламан. Улар шикоятда, ташаббускорликда бир-бирларига қўзғу бўлдилар.

Президентимиз ўз ўғил-қизлари — Ўзбекистон фарзандларига Ватанин севишни, Ватанпарварликни ўргатдилар. Айни дамда ҳар бир иқтидорли ёш ўзида Ватан яшаётганини, унинг тинчлиги, истиқболли, бахту саодати учун кераклигини дил-дилдан хис қилди. Чунки ватанпарвар — Ватанда керак!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 3781.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида bosилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

*“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 21:55 Топширилди — 00:40